O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 5 август, № 151 (4050) Шанба

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Яна 27 кундан кейин юртимизда умумхалқ шодиёнаси бўлади

Бу байрам халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиққанлигининг ёркин ифодасидир



Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг сўнгги кунларида газетамиз саҳифасида "Поезд 1200 метр баландликка чикди" сарлавҳаси остида суратли лавҳа эълон қилинган эди. Газета чоп этилган куннинг эртасига, индинига газетхонларимиздан телефон орқали: "Шу ростми?", «Темир йўлни ўзимизнинг курувчилар қуришганми?" каби 'кўплаб саволлар тушганди. Ҳа, рост, дегандик ўшанда ва ўқувчиларимизга жавоб қайтараётган маҳал кўнглимизда ажиб бир ғурур ва ифтихор туйғулари жўш урганди.

УФҚЛАРГА ТУТАШГАН ЙЎЛЛАР

Мамлакатимиз пойтахтини ва бошқа минтақаларни жанубий сарҳадимиз билан боғловчи "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўли қурилишини айримлар "аср қурилиши" ҳам дейишмоқда. Зеро, тоғли ҳудуддан темир йўл ўтказиш, йирик ва мураккаб муҳандислик иншоотларини барпо этиш айтишгагина осон. Мисол учун, "Деҳқонобод" станциясининг узвий қисми — 26,5 километрлик масофада темир йўл изларини қуришга 8 ой кифоя қилди. Бу вақт мобайнида 7 млн. 538 минг куб метрлик тупроқ, шу жумладан, 2 млн. 539 минг куб метрлик бурғулаш-портлатиш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, 53 та темир-бетон сунъий иншооти, умумий узунлиги 126 метрлик 3 та темир-бетон кўприк фойдаланишга топширилди.

Яна бир гап. "Қарақаҳна" бекатига яқин жойдаги баландлиги 42, узунлиги 232 метрлик ўта ноёб кўприк қурилишига "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясига қарашли "Кўприккурилиш" трести жамоаси бош-қош бўлди.

Мамлакатимиз темир йўл соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ишларни айтаверсак, адоғи йўқ. Айниқса, Тошкент Марказий вокзали ва бошқа бекатлар қиёфаси, йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси юксалганлиги, халқаро классдаги вагонлар, "Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи"даги улкан ўзгаришлар ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Албатта, бу ютуқлар ва улкан бунёдкорлик ишларининг эътироф қилиниши ўзўзидан бўлаётгани йўқ. Аввало, булар биринчи галда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар самараси. Иккинчи томондан эса, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар жамоаларининг фидокорона меҳнатлари маҳсулидир.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: мамлакатимиз темир йўлчилари ҳаётидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

КОРЕЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг (парламент) Миллий сиёсат масалалари қўмитаси раиси Бёнг Сог Пак раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Н.Аҳмедов билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик изчиллик билан ривожланиб бораётгани, бу борада икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Жумладан, Президент Ислом Каримовнинг жорий йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида ўттиздан зиёд келишувга эришилди. Улар орасида минерал ресурслар ва геология соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид ҳужжатлар ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасида ўтган мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасида ушбу соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

(ЎзА).

ХИРОСИМАНИНГ МАНГУ ОЛОВИ

Шаҳар етти ирмоққа ажралган ҳолда денгизга қуйилувчи Ота дарёси дельтасидаги кенгликда жойлашган бўлиб, дарё шаҳарни олтита оролга ажратиб турарди. Бир-бирига зич қилиб қурилган бинолар пастликда, денгиз сатҳидан бирозгина юқорида турар, шимоли-шарқдаги тепаликлар эса тонгда кўтарилаётган қуёшни кутиб оларди, гўё. Ўша куни чарақлаб турган қуёш нурлари орасида секин-аста яқинлашиб келаётган миттигина нуқтага ҳеч ким эътибор бермади. Бир неча дақиқадан сўнг беозоргина кўринган нуқта даҳшатли равишда чарақлаб, қуёшнинг нурларини ҳам тўсиб қўйди.

Ўша шаҳарнинг номи — Хиросима эди. У 1945 йил 6 август куни тонг соат 8:15да ер юзидан йўқ қилинди. Хиросима инсоният тарихидаги илк атом ҳужумининг илк қурбони бўлди — кўз-очиб юмгунча 140 минг нафар бегуноҳ инсоннинг ётиғи қуритилди. Уч кундан сўнг, 9 август куни Японияннинг яна бир шаҳри — Нагасакига ҳужум уюштирилиши натижасида 80 минг одам қурбон бўлди. Айтишларича, АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Гарри Трумэн ўз мудофаа вазирининг бу ҳақдаги ҳисоботини жилмайганча эшитган экан. Атом бомбаларини тинч аҳоли устига ташлаган учувчилардан бири эса кўп ўтмай ақлдан озган.

Ўша машъум воқеалар бўлиб ўтганига олтмиш йилдан ошди. Аммо яралар ҳали-ҳануз битганича йўқ. Ҳар йили Японияда портлашлар натижасида нурланиш касаллигига чалиниб, соғлиғидан айрилган инсонларнинг беш мингга яқини оламдан кўз юмади.

6 август куни сайёрамиз Жаҳон ядро қуролини таъқиқлаш кунини нишонлайди. Бу кун қайта қурилган Хиросимада одатдагидек бир хил бошланади. Соат 8:15да Тинчлик боғига минглаб одамлар йиғилади. Уларнинг аксарияти урушдан сўнг туғилган ва атом портлашининг даҳшатини кўрмаган бўлса-да, бегуноҳ қурбонларни ёдга олиш, уларнинг руҳини шод этишни ўз бурчи деб билади.

Мотам қўнғироғи гумбурлайди. Бир дақиқа сукут сақланади. Осмонга тинчлик рамзи бўлган оқ кабутарлар учирилади. Шундан сўнг хотира ёдгорлигига ўтган йил... нурланиш касаллиги... тида оламдан кў... сонларнинг номл... ган навбатдаги к... нади. Арк шаклид... ...н-ган соддагина ёдг...рлик пойига гулчамбарлар ва сув тўлдирилган идишлар қўйилади.

Атом ҳужуми олтмиш бир йил аввал уюштирилган бўлса-да, бу қуролни қўллаш учун ҳарбий эҳтиёж бўлганми ёки бу ишга фақатгина атом бомбасининг мисли кўрилмаган имкониятларини дунёга кўрсатиб қўйиш учунгина қўл урилганми, деган баҳс-мунозаралар ҳалигача тўхтагани йўқ.

Тарих — яхши устоздир. Унинг дарсларини уқиб олган йўлбошчи ўтмишдаги хатоларга йўл қўймайди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1993 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббусини илгари сурди. Қўшни Қозоғистонда дунёдаги энг катта ядровий полигонлардан бири ҳамда ва йириклиги бўйича дунёдаги тўртинчи ядровий қурол тўплами мавжуд бўлгани ҳисобга олинса, бу қадамнинг нақадар долзарб ва аҳамиятли бўлгани янада ойдинлашади.

Жаҳон ядро қуролини таъқиқлаш куни арафасида Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси қўшни мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Ўтган йиллар давомида Марказий Осиё давлатлари етакчилари минтақани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратиш борасида салмоқли ишларни амалга оширди. Ўтган йил февралида Тошкентда минтақа давлатлари вакиллари бу борадаги шартноманинг матни хусусида узил-кесил келишиб олдилар. Ҳужжат имзоланганидан сўнг сайёрамизда ҳеч қачон ядро қуроли бўлмайдиган яна бир ҳудуд пайдо бўлади.

...Хиросима марказидаги Тинчлик боғида инсоният тарихидаги энг даҳшатли фожиалардан бирини эслатиб турувчи мангу олов бор. Японларнинг айтишича, у ер юзидаги охирги ядровий қурол йўқ қилингандагина ўчади.

Бобур СОБИРОВ.
«Жаҳон» АА.

Истиқлолимизнинг 15 йиллигига

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги Ийк ота хўжалигида имконияти чекланган болаларнинг "Мафтункор ранглар дунёси" мавзуидаги ўн биринчи халқаро кўрик-танлови якунланди.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тадбир Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, "Ёнграг" халқаро инсонпарварлик жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Бадиий академияси, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, "Sen yolg"iz emassan" республика болалар жамоатчилик жамғармаси, Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур танловни ҳар йили халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами арафасида тиббий кўмакка муҳтож болаларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг келгусида тасвирий санъат соҳасида мукаммал таълим олишига яқиндан кўмаклашиш мақсадида ўтказиш яхши анъанага айланган.

Ҳакамлар ҳайъати хулосаларига кўра кичик гуруҳ ўртасида биринчи ўринга тошкентлик Жавоҳир Ғаниев (11 ёш) "Онамнинг кўз ёшлари" расми учун сазовор бўлди. Иккинчи ўринга сурхондарёлик Қадриддин Аҳмедов (13 ёш) "Шифокор қабулида" мавзуидаги расми учун, учинчи ўринга самарқандлик Равшан Элмуродов (11 ёш) "Табиат манзараси" мавзуидаги расми учун лойиқ топилди.

Катта ёшдаги иштирокчилар ўртасида биринчи ўрин қозоғистонлик Толқин Сакбаевага (15 ёш) "Қозоғистон кенгликлари" мавзуидаги расми учун насиб этди. Иккинчи ўрин андижонлик Камола Абдураҳмоновага (14 ёш) "Ўзбекистон — Ватаним маним" мавзуидаги, учинчи ўрин навоийлик Шоҳжаҳон Жамоловга (14 ёш) "Акс" расми учун берилди.

Айни вақтда ўнга яқин бошқа номинация бўйича ҳам совриндорлар аниқланди. Кўрик-танловнинг ғолиб ва совриндорларига тадбир ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА

Бир савол

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги барчага маълум. Сиз ана шу бурчни адо этиш учун нималар қилдингиз?

Шаҳриддин ҒАНИЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.

— Бундан бир неча йил аввал, диссертация устида ишлаётганимда илмий мақолаларим хорижий нашрларда чоп этилганди. Отам раҳматли уларни қўлга олганида, кўзидан ёш қалқигани эсимда. «Сенинг шундай ютуқларинг биз эркин давлатда яшаётганимиз шарофати. Энди сендек ёшлар дунёга танилади. Ҳали биз ўзбек кимлигини, қайси авлоднинг фарзандлари эканимизни кўрсатиб қўямиз. Мустақилликни кўзларингга суртиб авайланглар. Йўқса яна зимистонда яшайсизлар», деган эдилар ўшанда отам. Падари бузрукворим қанчалик ҳақ эканини ҳозир янада теран англаяпман. Ахир улар ўз юртига ўзи хўжайин бўлиш нечоғликлик азиз эканини яхши тушунишган.

Истиқлолимизнинг мустаҳкам бўлиши учун, аввало, ушбу олий неъматнинг қадрини ҳар биримиз чин юракдан ҳис этмоғимиз зарур. Ота-боболаримизнинг асрий орзуси, айнан, бизга насиб этганини чуқур англаш ва уни кўз қорачиғидай асраб-авайлашдек масъулиятни ҳар бир фуқаро бутун вужуди ила тушуниши керак.

Кўп йиллардан буён талабаларга билим бераман. Хўш, айни пайтда ўқитувчилик фақат дарс ўтишдан иборатми? Йўқ. Айниқса, ҳозирги тараққиёт даврида бу ишга бир томонлама қараб бўлмайди. Шу туфайли институтимизда дарс бошланишидан олдин юртимизда, хорижда юз бераётган воқеалар, янгиликлар ҳақида мулоқотлар ўтказамиз. Жумладан, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз юритамиз. Буям истиқлол пойдеворини мустаҳкам этишда ўзига хос аҳамиятга эга. Кимдир буни расмиятчилик дейиши мумкин. Бироқ, юрагида юртимизга оз бўлса-да, меҳри бўлган киши бу жараёнга борлиғи билан киришади.

Мен криминалистика кафедрасининг жиноий ҳуқуқий фаолият факультетида учинчи курс талабаларига мураббийман. Ёшларга юртимизнинг шуҳратини жаҳонда янада оширишлари зарурлиги, истиқлол берган имкониятлардан тўғри фойдаланишни уқтиришга ҳаракат қиламан. Бу ўз самарасини бермоқда. Масалан, ҳозир пойтахтимиздаги 31-меҳрибонлик уйига талабалар билан бирга бораяпмиз. Улар мустақиллик, миллий истиқлол ғоясини болалар онгига сингдиришда фаол қатнашаяптилар. Бундан ташқари, маҳалламизда ана шу ғояни тарғиб қилишга ҳаракат қилаяпман.

Яқинда истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйини нишонлаймиз. Мен ҳар гал мустақиллик йилларида юз берган ўзгаришларни, давлатимизнинг йиллар давомида ривожланиб бораётганлигини таққослайман. Дарҳақиқат, бугунги кунда ватанимиз бунёдкорлик, улкан ўзгаришлар, тараққиёт ўлкасига айланди. Табиийки, буларнинг бари истиқлол туфайлидир. Демак, барча қатори мен ҳам мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ривожи, ватан шуҳрати бундан-да ошиши учун ҳали кўп меҳнат қилишим зарур, деб ўйлайман. Назаримда, юрт тақдирига бефарқлик, унинг эртаси ҳақида қайғурмаслик кечириб бўлмас жиноятдир.

«Халқ сўзи» мухбири
Салим ДОНИЁРОВ
ёзиб олди.

Навбатдаги сонларда

АВГУСТДАГИ ЗАРБДОР МЕҲНАТ – ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

РАҲБАРЛАР КИРМАГАН БОҒ

ХОРАЗМДА ФУТБОЛ РИВОЖЛАНАДИМИ?

Ҳамюртларимиз иккинчи ўринда

Санкт-Петербург шаҳрида армрестлинг (қўл кураши) бўйича жаҳон кубогининг иккинчи саралаш босқичи якунланди.

Ҳамюртларимиздан Жасур Алиакберов иккита, Дмитрий Докучаев ва Фарҳод Худоёров биттадан олтин медаль, Алишер Худоёров ва Жамшид Усмонов биттадан кумуш медални қўлга киритишди. Элидат Усмоновга эса бронза насиб этди.

Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида фахрий иккинчи ўринни эгалладилар.

Жамшид ТОҒАЕВ.

ИСТИҚЛОЛ МАНЗИЛЛАРИ

Хоразм вилояти



Озодлик нуридан мунаввар воҳа

Мен раҳбарлик қилаётган коллежда «Ифтихор» номли газета чоп этилади. Бу — ёшлар газетаси, ўқувчилар минбари. Унинг «Ифтихор» деб аталишида ҳикмат бор. Газета фарзандларимиздаги мавжуд фахру ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришга хизмат қилади. Аслида бу туйғу қандай пайдо бўлади ва қай тартибда шаклланади? Табиийки, бу, энг аввало, инсоннинг ўз миллати, ўз эли тарихини яхшилаб билишидан, отабоболари қолдирган улкан меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлашдан, бир сўз билан айтганда, ўз Ватанини буюк муҳаббат билан севишидан пайдо бўлади. Ахир минг йиллик қадимий цивилизация бешиги бўлган бу муқаддас заминдан, дунёга Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд ва Огаҳий сингари буюк зотларни берган бу кўҳна юртдан фахр-ифтихор туйғуларини туймай бўладими? Бу туйғу воҳа аҳлининг ўз ерига бўлган муҳаббати ва садоқатини, ватанпарварлик ҳиссини янада оширади.

Истиқлол нури эса Хоразмни янада мунаввар этди, воҳа аҳли мустақиллик йилларида катта юксалиш йўлини босиб ўтди. Вилоятимиз ҳаётининг қайси соҳасига назар солмайлик, кўплаб ижобий ўзгаришларни, янгиланишларни кўрамиз. Бундай юксалишлар, аввало, мустақиллик шарофати, Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган туб ислоҳотлар, халқаро сиёсатнинг амалий натижасидир.

Вилоятда тарихий ёдгорликлар, кўҳна меъморий обидалар жуда кўп. Улар бугунги кунда дунё аҳли назарида турибди. Хивадаги Ичон қалъа ёдгорлик мажмуи ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Шарқ дурдонаси ҳисобланмиш Хива шаҳрининг 2500 йиллиги 1997 йилда халқаро миқёсда нишонланди.

Мустақиллик туфайли содир бўлган бундай ёруғ саҳифалар хоразмликларнинг ҳаётида анчагина. Жумладан, истиқлолимизни мустаҳкамлаш, юртимиз салоҳиятини янада ошириш, миллий қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраш ва бойитиш, ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун Хоразм вилояти 2003 йилда Ватанимизнинг юксак мукофоти — Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланди. Зеро, Жалолиддин Мангуберди хоразмликларнинг буюк ватанпарвар фарзанди ҳамдир.

ЮНЕСКО раҳнамолигида нишонланган «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишланган тантаналар Урганч шаҳрида, яъни халқимизнинг ушбу ноёб китоби яратилган Хоразм заминида ўтказилди. Мазкур сана муносабати билан ҳам вилоятда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Мамлакатимиз Президентининг Фармони билан дунё тарихи ва маданиятида чуқур из қолдирган илм даргоҳи — Маъмун академиясининг қайта тикланиши хоразмликларнинг асрлар давомида ушалмай келган яна бир армонининг рўёбга чиқиши бўлди. Насиб қилса, шу йил кузакда Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналари бўлиб ўтади.

Мустақиллик йилларида қайта таъмирланиб, халқаро мақом берилган Урганч аэропортидан шаҳар томон йўналсангиз, бир томонда ал-Хоразмий, иккинчи ёқда ал-Беруний ёдгорлик мажмуига кўзингиз тушади. Ҳа, алгебра, алгоритм каби фанларга асос солган Муҳаммад Мусо Хоразмий ҳам, Христофор Колумбдан бир неча аср муқаддам Атлантика уммони ортида қуруқлик, номаълум қитъа борлигини айтиб, ернинг айланма шаклидаги харитасини яратган Абу Райҳон Беруний ҳам асли шу юрт фарзанди. Қолаверса, Паҳлавон Маҳмуд, Султон Увайс, Носируддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Баҳоуддин Валад ва унинг ўғли Жалолиддин Румий, Мунис, Баёний, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов сингари алломалар, илм-фан ва санъат намояндаларининг мероси ҳам бугун қадр топмоқда.

Бундай қадр-қиммат ҳақида, юксалиш ва ўзгаришлар ҳақида ўйласам, энг аввало, ҳукуматимизнинг, айниқса, Президентимизнинг бу юртга, бу юрт одамларига нисбатан ўзгача ғамхўрлиги, меҳр-муҳаббати кўз ўнгимизда гавдаланаверади. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 13 майда «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Айтиш мумкинки, вилоятда амалга ошириладиган иқтисодий юксалишнинг устувор йўналишлари ана шу ҳужжатда акс этди. Яъни, тез орада ишлаб чиқариш муносабатлари, мулк шакллари тубдан ўзгарди. Тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очилди. Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда замонавий қўшма корхоналар барпо этилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида шакар, экскаваторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари вилоят корхоналарида болалар кийим-кечаклари, мева шарбатлари, экспортбоп ип-калава ва дунёга машҳур Хива гиламлари тайёрланмоқда.

Яқинда йўлим тушиб, «Гурлан» акциядорлик жамиятида бўлдим. Айни чоғда «Мурувваттекс» хорижий шўъба корхонаси билан ҳамкорликда бу ерда қайта қурилиш ва янгиланишлар олиб борилмоқда экан. Германия, Италия, Швейцариядан 15 миллион АҚШ доллари тенг қийматда янги технологиялар олиб келинибди. Илгари бу ерда йилига 1,5 минг тонна пахта қайта ишланган. Эндиликда бу кўрсаткич 4,5 минг тоннага етади. Аввалари бу ерда битта тизимда, яъни ҳаволи йигирув усулида ишланган бўлса, энди иш икки йўналишда, ҳам ҳаволи, ҳам урчуқли йигирув усулида юритилади. Демоқчиманки, пахта толасини вилоятнинг ўзида қайта ишлаш бўйича ҳам истиқлол йилларида катта имкониятларга эга бўлдик. Бу эса вилоятга, қолаверса, мамлакатга чет элдан кўпроқ валюта олиб кириш имкониятини бермоқда. Ҳозирги вақтда «Осиётекстиль», «Хоразм-Нуртоп», «УНИХО», «Боғоттекстиль» каби пахтани қайта ишловчи корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда Германия, Россия, Туркия, Хитой каби қатор давлатларнинг ишбилармон доиралари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Хоразм — тупроғи кучли шўрланган вилоят. Аммо шунга қарамасдан, вилоят аҳли азалдан зироатчилик билан шуҳрат қозониб келган. 100 минг гектардан ортиқ майдонда ғўза парваришлайди, ғалла экади, шоличилик билан шуғулланади. Хоразмлик деҳқонга кучли шўрланиш ҳам, туз ва қум бўронларининг хуружи ҳам, ёзнинг жазирамаси ва қишнинг қаҳратони ҳам чўт эмас. Чунки у омилкор, ишбилармон, шу заминнинг «тили»ни яхши тушунади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, унинг ҳар бир куни қаҳрамонликдир. Бугун вилоятда ана шундай фидойилар бирлашган 17 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Миришкор деҳқонларнинг машаққатли меҳнатлари туфайли қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Вилоят республикада биринчилардан бўлиб ширкат ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини тугатди ва ер майдонлари тўла фермер хўжаликлари ихтиёрига берилди. Шу туфайли вилоят пахта, ғалла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари давлат буюртмаларини ошиғи билан адо этмоқда.

Истиқлол нурлари тарала бошлагач, бутун Ўзбекистон улкан қурилиш майдонига айланди. Барча вилоят, шаҳар, туманларда катта ўзгаришлар бўлаётганлигини, бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигини ўз кўзимиз билан кўриб, эшитиб келаяпмиз. Бу янгиланишлар нафақат кетма-кет қад ростлаётган биноларда, барпо этилаётган кўча ва хиёбонларда, балки инсонлар онгу шуурида ҳам акс этмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда 2004 йил Ҳазорасп туманида Амударё узра бунёд этилган кўприк юртимизни бошқа давлатлар, минтақалар билан боғлайдиган катта коммуникациявий иншоот бўлди. 681 метрлик ушбу замонавий кўприк бир кечакундузда икки томонга 14 та поезд, соатига мингдан зиёд автомобилни ўтказиш имкониятига эга. Бу йирик иншоотнинг очилишида ҳам Президентимиз Ислом Каримов иштирок этди ва ушбу бунёдкорлик ишига юксак баҳо берди.

1997 йили Урганч аэропорти ва Хива шаҳри оралиғидаги 34 километрлик масофада троллейбус қатнови йўлга қўйилди.

Вилоятда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида ҳам самарали ишлар қилинди. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда кейинги йилларда янги авлод дарсликлари яратиш ишига ҳам ўз ҳиссаларини қўшаётирлар. Хусусан, бизнинг ўқув муассасамизда автомобиль транспорти бўйича тайёрланаётган мутахассислар учун 6 та янги дарслик яратилди. Вилоятдаги 539 мактабда 325 мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олади. Халқ таълими соҳасида ишлаётган 28 мингдан зиёд ўқитувчининг қарийб 21 минг нафаридан ортиғи олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эга. Хива шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» директори Вера Пак ва Гурлан туманидаги 5-ўрта мактаб директори Анора Маҳмудова Ўзбекистон Қаҳрамонларидир.

Илгарилари хоразмлик ёшларнинг аксарияти мамлакатимиз пойтахти ёки бошқа вилоятларга ўқишга кетардилар. Бугун улар шу ернинг ўзида ҳам етарлича илм ва мутахассислик малакасига эга бўлмоқдалар. Вилоятда учта олий ўқув юрти — Урганч Давлат университети, Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Хоразм филиаллари ишлаб турибди. Улардаги шарт-шароитлар ўта замонавий. Профессор ўқитувчиларнинг жуда кўпчилиги чет элларда малака ошириб қайтишган.

Мамлакатимизда болалар спортига бўлган эътибор вилоятимизда ҳам яққол сезилади. Бугунги кунда вилоят шаҳар ва қишлоқларида уч мингдан ортиқ спорт иншоотлари, жумладан, Урганч Олимпия захиралари спорт коллежи ҳамда Янгибозор педагогика ва спорт коллежи, 23 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 2 та спортинтернат, 15 та стадион, 500 та спорт зали, ўнга яқин бассейн ишлаб турибди. Бу иншоотлар, айниқса, 2003 йилда вилоятимизда ўтган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида жуда асқотди.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришларни айтайми, ўзининг бетакрор санъати билан машҳур бўлган бу юртнинг маънавият соҳасидаги юксалишларини дейинми ёки бу юртдаги тарихий обида ва ёдгорликлар, халқнинг санъати, маданияти ва урф-одатларига нисбатан хорижий сайёҳларнинг қизиқиши тобора ошиб бораётганлигидан сўйлайинми, ёхуд вилоят маркази Урганч шаҳри ва кўҳна Хива таниб бўлмас даражада гўзаллашаётганлигидан ҳикоя этайми — буларни адо қилиб бўлмас. Ҳазрат Навоий айтганларидек, «бир-бир на дейин, бошдин оёғи яхши».

Аммо шу ўринда мен бир нарсани айтиб ўтмасам бўлмас. Жойларда — мактабларда, хўжаликларда, ўқув юртларида сенаторлик учрашувлари ўтказганимда баъзида ўзбекона урф-одатларимиз сустлашаётганлиги ҳақида гапиришади. Эҳтимол, баъзи ўринларда шундайдир. Аммо мен Хоразмда юриб, шуни айтаманки, ўзбекнинг саховатпешалик фазилати асло йўқолган эмас. Аксинча, орамизда бойлар, бадавлат фермерлар, тадбиркорлар кўпайгани сайин бундай интилишлар тобора ривож топмоқда. Президентимизнинг айнан Хоразм фарзандлари тўғрисида гапириб, «...Меҳр-мурувват ва саховат кўрсатиш каби халқимизга хос азалий фазилатларини давом эттириб, ўз ҳисобидан замонавий мактаблар, шифохона ва гузарлар қураётган Эриммат, Нориммат, Дўсиммат ва Ёриммат Содиқовларга миннатдорчилик билдираман», деган гаплари ҳамон эсимда. Бугунги кунда мактаб қураётган, ўқувчиларга стипендиялар улашаётган, ногиронлар, уруш қатнашчилари, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатаётган юртдошларимизнинг сафи ошиб бормоқда.

Аҳли Хоразм мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллик тўйига ҳар жиҳатдан муносиб тайёргарлик билан бормоқда. Зеро, шундай бой тарих, маданият, деҳқончилик илмининг муносиб ворислари ўз юртини обод қилишга, халқини тўқ ва фаровон этишгада қодирдирлар. Мен бундай қодирлик ва куч-қувватни, улкан салоҳиятни ҳар кеч Истиқлол нуридан мунаввар бўлган ушбу воҳада бундан етти йил муқаддам бунёд этилган Жалолиддин Мангуберди ҳайкалини тавоф этиб, «Авесто» боғига шошилаётган гуруҳ-гуруҳ ёшларимизнинг чеҳрасида, ўз фарзандларимизнинг шаҳду шижоатида ҳам кўраман.

Эгамберган КАРИМОВ,
Урганч Автомобиль ва йўллар коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

«Агарки мендан ҳақиқий қаҳрамонлик намунаси нима, деб сўраганда, хоразмлик оддий деҳқоннинг ҳар кунги оддий меҳнати — қаҳрамонликдир, деб жавоб берган бўлар эдим».

Ислом КАРИМОВ



Рақамлар сўзласин

- *Хоразм — Амударёнинг қуйи ҳавзасида жойлашган вилоят бўлиб, унинг ҳудуди 6,1 минг кв. км.га тенг.*
- *Вилоят Туркманистоннинг Дошҳовуз ва Лебап вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани ҳамда Бухоро вилояти билан чегарадош.*
- *Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, Хоразм «Қуёшли замин» маъносини англатади.*
- *2006 йил 1 январь ҳолатига кўра аҳоли сони 1457,3 минг кишидан иборат.*
- *Вилоят маъмурий ҳудудий тузилиши бўйича 10 та туман ва Урганч шаҳрига ажратилади. Булар ўз навбатида 101 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 612 та аҳоли пункти, 3 та шаҳар ва 7 та шаҳарчага бўлинади.*
- *21 минг 935 та кичик бизнес корхонаси рўйхатга олинган.*
- *Вилоятда 39 та қўшма корхона фаолият кўрсатади.*
- *17 мингдан ортиқ фермер хўжалиги бўлиб, вилоятда етиштирилган пахтанинг юз фоизи ушбу қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улушига тўғри келади.*
- *Вилоятдаги автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 2500 километрни ташкил этади.*
- *Комил Хоразмий 1881-1884 йилларда тамбур чизиғига муҳрлаб, дастлабки нотани яратган.*
- *Туризм ривожланган сари сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифати ҳам ошиб бормоқда. Яқин йилларда меҳмонхоналар сони икки бараварга кўпайди ва уларнинг сони 18 тага етди.*
- *Ҳазорасп қалъа, Қалажиқ қалъа, Аёз қалъа каби ёдгорликлар янги сайёҳлик йўналишларига киритилмоқда.*

Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари Бремендаги давра суҳбатида муҳокама этилди

Ака-ука Гриммларнинг эртаклари орқали дунёга ном таратган Бремен шаҳри, ўзининг Германияда энг йирик ҳисобланган олий ўқув юрти билан ҳам машҳурдир. Ҳар йили турли мамлакатлардан минглаб ёш мутахассислар таҳсил олиш мақсадида ГФРдаги етакчи илмий-тадқиқот марказларидан бири бўлган ушбу нуфузли таълим муассасасига келишади. Айнан шу ерда яқинда «Ўзбекистон ўлим жазосини бекор қилиш йўлида» номли давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир юртимизнинг Берлиндаги элчихонаси ва Бремен университетининг ҳуқуқшунослик факультети ташаббуси билан ташкил этилди.

Давра суҳбати учун бу жойнинг танланиши тасодифий эмас. Бремен университети ҳузурида мана 30 йилдирки тадқиқот жамғармаси даражасидаги Европа ҳуқуқини тадқиқ этиш маркази фаолият кўрсатиб келаётир. Унинг илмий ходимлари Германиянинг давлат ва жамоат муассасалари, шунингдек, Еврокомиссияга тез-тез консультациялар бериб туришади.

Ёзги таътилларга қарамай, таклиф этилган мавзу университетнинг ҳуқуқшунослик факультети профессор-ўқитувчилари, докторант ва магистрантлари диққатини жалб этди. Давра суҳбати қатнашчилари сафида ўзбекистонлик талабаларни кўриш бизни беҳад қувонтирди.

Тадбирни очар экан, Бремен университетининг Европа ҳуқуқи кафедраси мудири, профессор Х. Лихтенберг Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиниши, жиноят ҳуқуқининг либераллаштирилиши ва ўлим жазосининг бекор қилинажаги тўғрисида иштирокчиларга маълумот берди. Унинг таъкидлашича, давлат раҳбариятининг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қарори демократик ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлашдаги муҳим қадамдир. Сўнгги вақтларда мамлакатда ўлим жазосининг ижро этилмаётгани, инсонпарварлик тамойилларига содиқликдан ва миллий жиноят қонунчилигини ислоҳ этишга бўлган интилишдан далолатдир. Х. Лихтенберг юртимизни инсонпарварлик тамойиллари қонунчилик асосида мустаҳкамланган давлатлар гуруҳига олиб кирувчи, Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу қадамини қутлаш лозимлигини алоҳида қайд этди.

Профессор Й. Фест ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қарорнинг Ўзбекистонда суд амалиёти ва ҳукмни ижро этиш жараёнларини янада такомиллаштиришга ижобий таъсир этаётганига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, бу суд органлари ва аҳлоқ тузатиш муассасалари тизими ходимлари малакасини оширишни ҳам кўзда тутади.

Профессор К. Шуманн эса ўлим жазосининг бекор қилинишини инсонпарварликнинг амалий ва ҳуқуқий ҳамоҳанглиги деб ҳисобламоқда. У қурбонлар, уларнинг яқинлари ва умуман олганда жамиятнинг оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган ўта хавфли жиноятчиларга нисбатан муносабати каби мураккаб муаммоларга диққатни қаратди.

К. Шуманннинг фикрларини профессор Ф. Херцог қўллаб-қувватлади. У бугунги кунда, ҳаттоки жиноят кодексидан ўлим жазоси ярим аср муқаддам чиқариб ташланган ГФРда ҳам бундай жазо турини бекор қилиш ёки жорий этиш борасидаги баҳсларнинг кескинлашуви кузатилаётганини ҳамда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш лозимлигини қайд этди.

Жонли мунозарага муаммонинг турли илмий ва амалий жиҳатларига ва унга турли мамлакатлар ҳуқуқий тизимидаги мавжуд ёндашувларга эътибор қаратган бўлажак ҳуқуқшунослар ҳам қўшилишди.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ.
«Жаҳон» АА.
Берлин.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Ўтказиб юборманг

«Қишлоқ ҳаёти» 4 август.
Фахриддин Бозоров «Ғўза гулинимас, «кўз ёши»ни тўкади»:

«Август — деҳқоннинг деҳқонлигини, тажрибасини, маҳоратини кўрсатадиган ой. Ана шу пайтда ғўзасини «йиғлатиб» кўйган деҳқон кузда ўзи ҳам мулзам бўлиб, ер чизиб қолиши тайин».

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 4 август.
Ҳожиакбар Нурматов «Улғайиш изтироблари»:

«Ҳозир ижоддан ҳам кўра «эл хизматида юриш» биринчи ўринга чиққан. Агар тўй билан спектакль бир вақтга тўғри келса, ролнинг оёғини осмондан қилиб тезроқ ўйнашга ҳаракат қилишади. Энг ёмони шуки, тўйлар актёрнинг сирини ўғирлайди. Санъаткор сифатида унда одамлар кашф этиши мумкин бўлган ҳеч қанақа сир қолмади».

«Моҳият» 4 август.
Сирожиддин Саййид «Эгаси бор юрт»:

«Қалдирғочларга бер айвонларингни,
Қушнинг ҳам бек билан бекаси бордир.
Сингилжон, эвакер райҳонларингни,
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир».

«Хабар» 4 август.
Лутфилло Турсунов «Ярим йиллик якунлари: ютуқларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди»:

«Йиғилиш видеоселектор орқали олиб борилганлиги сабабли, йўл қўйилган ушбу камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини шахсан юқорида келтирилган корхоналарнинг раҳбарлари изоҳлаб беришди».

«Нуроний» 4 август.
Мели Норматов «Шифокор даво истар»:

«Умида ҳаракатчан, тиним нималигини билмайди, ишлаб чарчамайди, туман ва шаҳар миқёсида бўладиган ҳеч бир тадбирдан четда қолмайди. Уни барча танийди ва ҳурмат қилади. Умида яхши биладики, обрў-эътибор осонликча қўлга киритилмайди, лекин ундан ажраш ҳам ҳеч гапмас».

«Биржа» 4 август.
Нурали Шодиев «Олис йўлга чиққан карвонлар»:

«Буюк Ипак йўлида жойлашган Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерида буюк ҳикматлар яширин. Сирдарёдан дунёнинг тўрт қутбига йўл олган «темир карвон»лар олис тарихни ёдга солади. Улар ҳам туя ва туякашлар каби бархан ва довонлар оша юрт кезадилар, аммо ғоятда тез, ғоятда ишончли. «Темир улов» сарбонлари оиласи, она тупроғи, элининг меҳру муҳаббатини юракда тутиб, миллионлаб инсонлар учун узун қаторларда ризқ-рўз ташийдилар».

«Пойтахт транспорти» 4 август.
Шоиноят Шоабдураҳимов «Оиланг — кўрғонинг тинч — кўнглинг хотиржам!»:

«Ҳайдовчи унутма! Фарзандларинг — дилбандларинг, вафодор ёринг, соғ-саломат кўрмоқ истар сенинг дийдоринг».

Менимча, ушбу пурмаъно сатрларни ҳар бир автобус саройи, трамвай-троллейбус депоси ҳамда метрополитеннинг тегишли жойлари пештоқига катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйишимиз керак. Токи, ишга келган ҳар бир ҳайдовчи эрта тонгданоқ ушбу шиор-даъватни ўқисин. Унга қулоқ тутсин, амал қилсин».

«Днепр» учун ким айбдор?

Ўтган ҳафтада Россиянинг Бойқўнғир космодромидан учирилган «Днепр» фазо кемаси ҳавога кўтарилгандан сўнг бор-йўғи 78 сония ўтиб, ерга қулаб тушди. Ракета Ер орбитасига АҚШ, Япония ва Жанубий Корея университетлари томонидан яратилган 18 та сунъий йўлдошни олиб чиқиши керак эди. Ҳалокатнинг асл сабаби ҳали ҳам ўрганилаяпти. Қозоғистон ҳукумати вакилининг расман маълум қилишича, ракетадаги кўп миқдордаги заҳарли ёнилғи катта ҳудудга тарқалиб кетган. Бу ерларда аҳоли яшамайди, бироқ маҳаллий матбуотда ёзилишича, ҳудудга яқин қишлоқларда яшовчи одамлар соғлиғи ноодатий тарзда ўзгараётганини маълум қилишган.



Қозоғистон ҳукумати мазкур иш юзасидан жиноят иши қўзғатди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги томонидан эълон қилинган баёнотда айтилишича, ракета қулаб тушиши оқибатида ҳудуд табиатига жиддий зарар етган ва Россия бунга товон тўлаши керак.

Ҳужумлар давом этмоқда

Исроил ҳарбий авиацияси Байрутнинг жанубий қисмини бомбардимон қилишда давом этмоқда. Бунга жавобан «Ҳезбаллоҳ» гуруҳи Тель-Авивга ҳужум уюштиришини билдирган. Айни пайтда Исроил пиёда қўшинлари Ливан ҳудудига бостириб кириш тўғрисида буйруқ олди. Бундан ташқари, кеча Байрут марказида жуда кучли портлаш бўлди. Бироқ, расмий Тель-Авив бу воқеага изоҳ беришни рад этди. Ҳозирга қадар жабрланганлар ҳақида маълумот йўқ.

БМТ томонидан тинчлик битимига эришиш йўллари ўрганилаётганига қарамай, томонлар ўртасидаги зиддият кучайиб бораяпти.

Муклчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ «МАРОҚАНД НЕФТЬ БАЗА» УНИТАР КОРХОНАСИ

қуйидаги иншоотни тўлалигича қуриб «калити билан» фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 50 000 (эллик минг) сўм.

Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, «Мароқанд нефть база» унитар корхонаси маъмурий биносини қайтадан тўлиқ таъмирлаш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 8 ой.

Қурилиш ишлари Самарқанд вилояти «Мароқанд нефть база» унитар корхонаси хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи — Самарқанд вилояти «Мароқанд нефть база» унитар корхонаси.
Манзили: Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани. Телефонлар: 22-53-66, 22-57-90, 21-11-02.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-«Г» корпус, 208-хона.
Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд вилояти «Мароқанд нефть база» унитар корхонаси мажлислар залида соат 10.00да ўтказилади.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Бош вазирликка номзод кўрсатилди

Украина Президенти Виктор Юшченко мамлакат Бош вазири лавозимига президентлик сайловларидаги рақиби Виктор Януковични номзод этиб кўрсатди.

Яқинда мамлакат президенти Юшченко, парламент спикери Александр Мороз ҳамда Янукович биргаликда «Миллий бирликнинг универсаллиги» — давлатнинг ички ва ташқи сиёсати тамойиллари ифодаланган ҳужжатни имзолашди. Натижада эса давлат раҳбарлари кўпгина баҳсли саволларга жавоб топишди. «Универсалда ҳукумат ва сиёсий кучларнинг иш режаси кўрсатиб ўтилган», — деди давлат раҳбари Юшченко. Аммо Юлия Тимошенко ушбу ҳужжатни имзолашга қаршилик билдирди. Унинг фикрича, президент ўз тарафдорларига хиёнат қилди.

Касаллик манбаи — итлар

Хитой ҳукумати Цзинин шаҳрида охирги саккиз ой ичида 16 кишининг ҳаётига зомин бўлган қутуриш касаллигини йўқ қилиш учун эндиликда итларни ёппасига отишга киришди.

Охирги маълумотларга кўра, Шаньдун вилоятининг ўзида 500 мингга яқинит бор. Маҳаллий ҳукумат вакиллари ўз ўрнида бу касалликни бартараф этиш йўлларини изламоқдалар.

Хитойнинг Моудин шаҳрида ўтган ҳафта ичида қутуриш туфайли уч киши ҳаётдан кўз юмди. Касалликнинг олдини олиш мақсадида махсус овловчилар жониворларнинг 50 мингга яқинини қириб ташлашди.

Нуқсони борлиги учун

Дунёдаги йирик автомобиль компанияларидан бири Ford ўзи ишлаб чиқарган машиналар двигателларида нуқсон борлиги учун 1,2 миллионтага яқин автомобилларни қайтариб олмоқчи.

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи Америка миллий маъмурияти томонидан ўтказилган текширувлардан сўнг, тезликни камайтиришда ишлатиладиган электрон тизим компаниянинг баъзи автомобилларида нотўғри ишлаши



ва бунинг натижасида двигателнинг ёниб кетиши эҳтимоли борлиги маълум бўлди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, компания фақатгина бензин ҳамда газда ҳаракатланувчи автомобилларни қайтариб олади. Дизель ёнилғисида ҳаракатланувчи автомобиллар моделлари бундай хавфдан йироқ.

Иш ўринлари қисқарган ходимлар учун тўланадиган товон пулига сарф-харажатларининг ўзидан мазкур йилда Ford компанияси 254 миллион доллар зарар кўрди.

Генералнинг хавотири

Яқин Шарқдаги Америка ҳарбийлари командири генерал Жон Абизаид Ироқдаги диний тўқнашувлар тўхтатилмаса, мамлакатда фуқаролар уруши бошланиб кетиши мумкинлиги ҳақида баёнот берди.

Генералнинг АҚШ Сенатининг қуролли кучлари бўйича қўмитасига берган расмий баёнотида вазият, айниқса, Боғдодда кескин тус олганлиги таъкидланган. Америка ҳукуматининг Ироқда тинчлик ўрнатиш ишлари бўйича олиб бораётган чора-тадбирларига қарамай, вазиятнинг «юмшаши» фақатгина ироқликларнинг ўзига боғлиқлиги айтилмоқда. Бу масала юзасидан АҚШ мудофа вазири Дональд Рамсфелд фикр билдирар экан, аввало Ироқдан Америка ҳарбий кучларини муддатидан илгари олиб чиқиб кетилиши мамлакат тинчлиги учун катта хавф туғдиради дея таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ САНИИРИ ИИЧБга ҚАРАШЛИ

«ҚАРШИТЕРМОПЛАСТ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ,

КТУТ рақами 14926741, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги 406-сонли «Қаршитермопласт» давлат корхонасини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ

ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТАДИ.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Қарши ш., Бешкент йўли 3-км. Тел.: 228-00-81, 228-00-82.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- БОШ КИЙИМЛАР;
- ТИКУВЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИ;
- МАХСУС НАМУНАДАГИ ОЁҚ КИЙИМЛАРИ;
- ҲАР-ХИЛ ФУРНИТУРАЛАР.

Тендер қуйидаги манзилда ўтказилади: Ўзбекистон Республикаси, 700070, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.
Тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилиш сўнгги муддати — 2006 йил 4 сентябрь соат 17.00 гача.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (3712) 55-85-03, 55-76-72, 136-39-60, 139-71-47. Факс: 8 10 998 (371) 151-23-72. E-mail: umtvs@uzpak.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 21 АПРЕЛДАГИ ПҚ-330 СОНЛИ ҚАРОРИ БИЛАН ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИ КОРХОНАЛАРИ УЧУН ИНВЕСТОРЛАР ВА БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ТУЗИЛГАН ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ УЧУН ИНВЕСТОРЛАР ВА БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯЛАРНИ САРАЛАБ ОЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Корхона номи	Юридик манзили	Ишлаб чиқарадиган маҳсулоти
«Ойим текстиль» ҚК	Андижон вилояти, Ойим қишлоғи	Таралган калава ип (йилига 4,35 минг тонна) ва дағал трикотаж мато (йилига 4,2 минг тонна)
«Намангантекстиль» АЖ	Наманган шаҳри, 4-микротуман	Кардли ва таралган калава ип (йилига 6,3 минг тонна), дағал (йилига 12,3 млн. метр) ва тайёр (йилига 28,35 млн. метр) кўйлаклик газлама
«Бестекс» ҚК	Фарғона вилояти, Бешариқ шаҳри, Сирдарё кўчаси, 46-уй	Кардли калава ип (йилига 6,8 минг тонна)
«Унихо» ҚК	Хоразм вилояти, Ҳазорасп шаҳри, Мустақиллик к., 45-уй	Калава ип (йилига 3,5 минг тонна)

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ва ўзи давлат рўйхатидан ўтган мамлакатлар қонунчилигида танлов савдоларида иштирок этиши ёки тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бундай корхоналарни бошқариш фаолияти билан шуғулланиши тақиқланмаган юридик шахслар танловда қатнашишлари мумкин.

Даъвогар корхоналар танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб беришлари керак, хусусан:

1. Юқорида кўрсатилган корхоналардан бир ёки бир нечтасига тегишли мол-мулк комплексини сотиб олишни истовчи инвесторлар қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
- *тўқимачилик саноатида камида уч йиллик муваффақиятли иш стажига, жумладан, ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотини жаҳон бозорида сотиш тажрибасига эгалиги;*
- *ишлаб чиқариш характери бўйича танлов объектига ўхшаш, ҳозирги вақтда тўқимачилик тармоғида муваффақиятли ишлаб келаётган, асосан экспорт учун маҳсулот чиқарадиган камида битта корхонага (ёки унинг акциялари назорат тўпламига) эгалиги;*
- *молиявий аҳволи зарур ҳужжатлар билан тасдиқланган, корхонани, жумладан, унинг муддати ўтган банк кредитлари бўйича қарзларини танлов ҳужжатларида белгиланган муддатларда сотиб олиш имконини берадиган даражада барқарор бўлиши. Бунда, жумладан, сотиб олинаётган мол-мулкнинг камида 25% контракт имзоланиши биланоқ бир йўла тўлов билан харид қилиниши зарур.*

2. Юқорида кўрсатилган корхоналарнинг бир ёки бир нечтасини ишонч асосида бошқаришга олиш истагини билдирадиган бошқарувчи компаниялар олдига қуйидаги талаблар қўйилади:
- *тўқимачилик корхоналари билан камида беш йиллик муваффақиятли иш тажрибасига, жумладан, тўқимачилик саноати жаҳон бозоридаги иш тажрибасига эгалигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш;*
- *корхонани бошқариш бўйича ишлаб чиқилган бизнес-режани тақдим этиш. Унда қуйидагилар кўзда тутилган бўлиши керак:*
- *ишлаб чиқариш қувватларининг камида 85 фоизини босқичма-босқич ишга тушириш;*
- *ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг камида 80 фоизини экспорт қилиш;*
- *муддати ўтган банк кредитларини графикларга мувофиқ қайтариш;*
- *ишонч асосида бошқаришнинг биринчи йили давомида корхона фойда олиб ишлай бошлашига эришиш;*
- *корхонани зарур ҳажмдаги айланма маблағлари билан таъминлаш.*

3. Потенциал инвесторлар учун ҳам, ишонч асосида бошқаришга даъвогар корхоналар учун ҳам қуйидаги умумий талаблар қўйилади:
- *корхонанинг бўлғуси раҳбари (бош директор ёки менежер) тўқимачилик саноатида камида беш йил, жумладан, раҳбарлик лавозимларида камида уч йил муваффақиятли ишлаган бўлиши;*
- *танлов ҳужжатларида кўрсатилган ҳажмда "performance bond" киритилиши;*
- *контракт имзоланганидан кейин кўпи билан бир ой ичида иш бошлашга тайёрлик.*

4. Қуйидагилар танловда иштирок этишига рухсат берилмайди:
- *тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ташкилотлар ва фирмалар;*
- *Ўзбекистон Республикасининг контрагентлари билан илгари тузилган контрактлар бўйича олинган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган ташкилотлар ва фирмалар.*

Даъвогарлар танлов ҳужжатларини, шунингдек, танлов ўтказиш тартиби ва жараёнига доир батафсил қўшимча маълумотни 2006 йил 7 августдан бошлаб, танлов таклифлари қабул қилинадиган муддат тугагунича ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача ишчи органидан олишлари мумкин.

Ишчи орган:
**Ўзбекистон Республикаси, 700100,
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-«А» уй,
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.**

**Мулоқот учун шахс — Ш. А. Тўлаганов.
Телефон: 132-64-35.
Факс: 132-64-16.**

Ҳукумат комиссияси ишчи органи танлов таклифларини қабул қиладиган охирги муддат — 2006 йил 5 сентябрь соат 18.00 гача. Танлов таклифлари уларни қабул қилиш муддати тугаганидан кейин уч кун ўтгач очилади.

Мавзуга қайтиб

Газетамизнинг шу йил 18 июль сонида Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти (ЎзКОЖ)нинг Самарқанд вилояти бошқаруви раиси вазифасида ишлаган С.Пўлатов ва кўриш бўйича 1-гуруҳ ногирони И. Ўриновнинг "Ниқобли тадбиркорлар" сарлавҳали хати чоп этилганди. Унда ЎзКОЖ тизимида рўй берган айрим камчиликлар хусусида сўз юритилганди. Шу муносабат билан яқинда жамият Марказий Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Б.Абдужабборов, раиснинг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари Л.Рустамов, бош ҳисобчи ва иқтисодиёт бўлими бошлиғи Ш.Алимардонов, бош ҳуқуқшунос А.Ҳасанов номидан жавоб тариқасида шикоят хати олдик.

МАСАЛАГА ОЙДИНЛИК КИРИТИЛГАНДА...

Мактубда таъкидланишича, "Ниқобли тадбиркорлар"да тилга олинган далиллар ҳақиқатга тўғри келмайди. Масалан, кўрпа-тўшаклар ишлаб чиқариш учун тизим корхоналарига қимматбаҳо пахта толаси ва линти арзон нархларда, тегишли квота асосида ажратилмоқда деган фикр иқтисодий жиҳатдан асослантирилмаган. Чунки 1991 йилга қадар жамиятга ишлаб чиқарган маҳсулотлари учун бюджетдан дотация ажратиб келинган. Ҳаётга бозор иқтисодиёти тамойиллари татбиқ этила бошлангач, дотация ва субсидия ўрнига солиқдан бир қатор имтиёзлар берилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-қарорининг 3-иловаси 7-бўлимига асосан, ЎзКОЖ таркибидаги корхоналарга пахта линти балансларда назарда тутилган ҳажмларга мувофиқ, ҳақи камида 30 фоиз миқдорида олдиндан тўланган ва етказиб берилганидан кейин 60 кун мобайнида тўлиқ тўланган ҳолда, прейскурант нархлардан 5 фоиз ортиқ бўлган нархларда сотилади. Сифат ва терминал тўловларини қўшганда, пахта хомашёсининг нархи биржаникига деярли тенглашиб қолади.

Иккинчидан, жамиятнинг асосий вазифаси кўзи ожиз ногиронларни иш билан таъминлаш ҳисобланади. Шунга кўра, жамият Марказий бошқарувининг ягона таъсисчилигида аҳоли зич жойлашган Андижон шаҳрида "Қалбинур май", Наманган вилоятида "Хайр", "Маликабегим", саноат ишлаб чиқариши унчалик ривожланмаган Жиззах вилоятида "Бахмал сайқали", "Ибн Мирҳалил", Қашқадарё вилоятида "Азия Нур КОЖ" "Қалб кўзи" ўқув ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилган. Уларга моддий-техник базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари очиш, молиявий-иқтисодий аҳволини ўнглаб олиши учун бошқа корхоналарга нисбатан кўпроқ хомашё ажратилган. Мазкур корхоналар зиммасига биринчи босқичда 10 та, иккинчи босқичда 20 та, учинчи босқичда 30 та иш ўрни яратиш мажбурияти юклатилган. Улар ҳозирга қадар дастлабки босқич вазифаларини уддалаб, ўн нафардан кўзи ожиз ногиронни иш билан таъминлашган. Айни кезларда зарур дастгоҳларни сотиб олиб, ишлаб чиқариш биноларини қуришга тайёргарлик кўришмоқда. Бу демак, С.Пўлатов ва И.Ўриновнинг жамият аввал очилган хусусий фирма ва корхоналарни ўз таркибига қўшиб олди деган даъвоси ноўринлигини англатади. Янги очилган корхоналар ЎзКОЖ томонидан таъсис этилган ва уларнинг Низом жамғармасида жамият улуши 100 фоизга тенг.

"Бахмал сайқали" ўқув ишлаб чиқариш корхонаси 2005 йили кўпроқ хомашё олиш эвазига ўн нафар кўзи ожиз ногиронни иш билан таъминлаган. ЎзКОЖ Марказий бошқаруви фармойишига асосан, тизим таркибида дотация ҳисобига фаолият юритаётган вилоят бошқарувларига ва дам олиш масканларига 16 миллион 600 минг сўм ўтказиб берган. "Азия Нур КОЖ", "Қалб кўзи", "Қалбинур май" ва "Хайр" ҳам ўн нафардан кўзи ожиз ногиронни иш билан таъминлаган ҳолда маошларни вақтида бериб, ЎзКОЖ Марказий бошқарувига 2,5 фоизлик ажратмаларни ўтказиб турибди.

Жавобда "Ниқобли тадбиркорлар"даги жамият мулки ҳисобланмиш бинолар арзон сотиб юборилаётгани тўғрисидаги мулоҳазага ҳам жиддий эътироз билдирилган. Таъкидланишича, ЎзКОЖга қарашли Тошкент ўқув ишлаб чиқариш корхонаси балансидаги бинолар мазкур шохобча тугатилиши туфайли юзага келган кредиторлик қарзларини қоплаш, унинг негизида ташкил топган 4 та ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг моддий-техник базасини мустаҳамлаш мақсадида амалдаги Низомга мувофиқ ЎзКОЖ Марказий бошқаруви Раёсати қарорлари билан эркин биржа савдолари орқали сотилган. Бу иморатлар асосан 1960 йилларда қурилган бўлиб, эскириши натижасида ўз қийматини икки марта тўлиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ўтказиб бўлган. Қадастр хизмати томонидан қайта баҳоланиб, жами 168 миллион сўмга нархланган. ЎзКОЖ Марказий бошқаруви Раёсати шуни инобатга олиб, улар қадастр нархидан кам бўлмаган баҳоларда эркин биржа савдолари орқали сотилиши ҳақида қарор чиқарган ва 97 миллион сўмлик бино-иншоотлар 250 миллион сўмга сотилган.

Энг ажабланарлиси, таҳририятимизга шикоят хати ёзган пайтда, аниқроғи, шу йил июнь ойи ўрталарида муаллифлардан бири С.Пўлатов, ҳақиқатан ҳам, жамиятнинг Самарқанд вилояти бошқаруви раиси вазифасини бажараётган бўлган. Бироқ шундан бир ҳафтача олдин у раҳбарлик қилаётган жамоанинг сўнгги икки ярим йилликдаги молиявий-иқтисодий фаолияти ЎзКОЖ Марказий бошқаруви тузган комиссия томонидан текширилганида, қатор қонун-қоидалар қўпол равишда бузилгани аниқланган. Йўл қўйган хато-камчиликлари учун С.Пўлатов ЎзКОЖ Марказий бошқарувининг июнь ойининг сўнгги ўн кунлигидаги қарори ва буйруғига биноан жамият аъзолигидан чиқарилиб, вазифасидан озод этилган. Ўзининг айтишича ва бизга кейинроқ жўнатган тиббий ҳужжатларга қараганда, у ишдан бўшатилган вақтда даволанишда бўлган. Бу ўринда ким ҳақ, ким ноҳақлигини томонлар ўзаро ҳал этиб олишларига ишонамиз. Аммо кишини бошқа бир нарса ажаблантиради. Гап шундаки, С.Пўлатов таҳририятимизга бот-бот қўнғироқ қилиб, корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйолмагани учун муқаддам вазифасидан олинган ҳаммуаллифи И.Ўринов билан биргаликда ёзган мактуби тақдирига ғоят қизиқса-да, негадир ўз жамоасида ўтказилган текшириш ва унинг якуни ҳақида лом-мим демади. Хўш, бундан мақсад нима эди? Таҳририят ва газетхонларни чалғитиб, калаванинг учини баттар чигаллаштиришмиди? Ахир С.Пўлатов бизни бор гапдан бирров огоҳлантириб қўйса, турли эътирозлар келиб чиқмаслиги аниқ эди-ку!

Албатта, биз масалага ойдинлик киритгани учун ЎзКОЖ Марказий бошқарувига миннатдорчилик билдирамиз. Ўз навбатида жавобда мақоладаги жамият корхоналарига ажратилган пахта толаси маҳсулот тайёрлаш ўрнига, бошқа мамлакатларга пуллаб юборилган, жамият кўплаб фойдадан, давлат бюджетига тўланиши лозим солиқлардан маҳрум бўлган, дастгоҳлар ва транспорт воситаларини арзон-гаровга сотиш ҳоллари рўй берган деган фикрларга аниқ муносабат билдирилмаганини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Бундан ташқари, Наманган, Жиззах вилоятлари ва Шаҳрисабз тумани солиқ идоралари раҳбарлари шу йил май ойида шикоятчи И.Ўринов ва ЎзКОЖнинг Бухоро вилояти бошқаруви собиқ раиси А.Ҳайдаровга йўллаган жавоблардаги далиллардан ҳам кўз юммаслик керак. Уларда қайд қилинишича, "Хайр" корхонасида ишловчи ўн кишидан олти нафарининга кўзи ожизлар ташкил этади. Чустдаги "Маликабегим" корхонаси 2005 йил ва 2006 йилнинг 1-чорагида молия-хўжалик фаолияти юритмаган, тола ва линт ажратилмагани туфайли пахта маҳсулотларини қайта ишламаган. "Бахмал сайқали"нинг 2006 йил 1 май ҳолатига 136455,9 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарзи, 325077,4 минг сўмлик кредитор қарзи борлиги учун текшириш ҳужжатлари чора кўриш учун Жиззах вилояти прокуратурасига юборилган. Шаҳрисабз ўқув ишлаб чиқариш корхонаси банкдан олган катта миқдордаги кредит пулини муддатида қайтармаган, сўнгги олти ойда товар айланиши бизнес-режасини бажармаган, иш ўринларини тўлиқ ташкил этмаган. Бу ҳолатлар тизим корхоналари 2003 йил кўламидан эътиборан ўз гарданларидаги вазифаларни бажаришда салмоқли ютуқларга эришиш билан бир қаторда баъзи хато-камчиликларга ҳам йўл қўяётганлигидан далолат беради.

Бинобарин, ЎзКОЖ раҳбарияти келгусида бундай нохушликлар қайтарилмаслиги учун зарур чора-тадбирлар кўрса, фойдадан холи бўлмасди. Энг муҳими, ортиқча шикоятбозликлар ва текшир-текширларнинг олди олинарди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.**

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Тошкент чиройи





Вақтдан қанчалик унумли фойдаланилса, унинг қадри шунчалик баланд бўлади. Мамлакатимиздаги, хусусан, пойтахтимиздаги сўлим гўшаларни сайр этганингизда беихтиёр шулар хаёлингиздан ўтади.

ШАРШАРА — жаннатмонанд гўша

Чунки вақт, хоҳлаймизми йўқми, ҳаммамиз учун бебаҳо ва тенгсиз қимматга эга.

Сўзимизни айнан вақтдан бошлаганимиз бежиз эмас. Зотан, ўтиб бораётган умримизнинг ҳар бир дақиқаси учун дилимизда миннатдорлик, шукроналик туйғуларини ҳис этишнинг ўзи ҳам вақтнинг қадрига етишдир.

Тасаввур қилинг, эрта тонг атрофга кўркамлик бахш этган майсалардан тортиб дарахт япроқларигача жазирама тафтидан қовжирай бошлайди. Ана шундай дамларда, табиийки, кўнглингиз салқин ва баҳаво масканларни истаб қолади. Бунинг учун Сижжак тоғларию Аму-Сир соҳилларига, Шоҳимардоннинг оқ суву кўк суви бўйларига ёхуд Сангардак шаршараларига боришингиз шарт эмас. Пойтахтнинг қоқ марказида туриб ҳам жаннатмонанд юртимизнинг энг бетакрор гўшалари ҳавосини туйишингиз, унинг сўлим табиатидан баҳра олишингиз мумкин. Шарқираб оқаётган сув, доимий эсиб турувчи майин шабада, чор атрофга кўркамлигу фусункорлик бахш этиб турувчи яшил майсалар кўнглингизга ҳузур, хотиржамлик бахш этиши шубҳасиз. Кун бўйи елкангиздан босиб турган чарчоқ сизни бир зумда тарк этади. Фақат ўзингиз учун вақт ажрата олсангиз бас, ҳам жисмингиз, ҳам руҳингиз ором олади, устига устак энг тансиқ миллий ва Европа таомларидан тановул қилиш имконияти туғилади. Қандай қилиб, дейсизми? Бунда сизга "Шаршара" қаҳвахонаси ёрдам беради.

Бир қарашда сокин кўринган Бўзсувнинг бир ирмоғи ҳисобланмиш Қичқириқ ариғи Тахтапул маҳалласига келгач узун шовва орқали ажиб манзара, ўзгача иқлим ҳосил қилади. Пастда эса табиатнинг тўрт фасли мужассам бўлган "Шаршара" ва унинг хушмуомала ходимлари сизни ҳурмат ва эҳтиром билан ўз бағрига чорлайди.

— Болалигимиз Тахтапулда ўтган, — дейди "Шаршара"нинг доимий мижози "Олмазор" маҳалласида яшовчи Фелюра Исломова. — Очиғи, бундан ўн беш йил олдин бу ерда жаннатга қиёслангудек жой бунёд бўлади, деса ишонмасдик. Деярли ташландиқ аҳволда эди. Бугун хориждан келадиган меҳмонларимизни ҳам ҳашамдор ресторанларга эмас, айнан "Шаршара"га таклиф этамиз.

Қаҳвахона ҳудудидаги мажнунтоллар, анвойи гуллар, манзарали дарахт кўчатлари гўшага кўркамлик бахш этади. Ҳатто ватани океанортда бўлган пальма дарахтлари ҳам "Шаршара"ни ошён тутган. Бундан тўққиз йил аввал ташландиқ ҳолдаги майдонда қурилган қаҳвахона бугун нафақат пойтахт аҳолиси, балки меҳмонларининг ҳам севимли масканларидан бирига айланган. Туғилган кунлар, оилавий зиёфатлар, дўстлар дийдорлашуви учун ғоятда қулай ва баҳаво маскан.

— Ҳозирга қадар қаҳвахонамиз қиш фаслида фаолият юритмасди, — дейди фирма раҳбари Лутфулла Убаев. — Жорий йилдан эътиборан йилнинг совуқ фаслларида ҳам мижозларга хизмат қиладиган бўлдик. 400 ўринга мўлжалланган залимизни энг азиз айёмимиз – Мустақиллик байрами шарафига ишга туширишни режалаштирганмиз.

Ошхона хизматчилари доимо озода юриши, хушмуомала бўлиши жамоанинг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Эътиборлиси, йигитлар оқ кўйлак, қора бўйинбоғда, қизлар эса оқ кофта, қора юбка кийишади.

— Бизда официантларнинг енгил-елпи кийинишига рухсат берилмайди, — дейди Шерзод исмли официант. — Етти ёшдан етмиш ёшгача келиб, ором олиб кетувчи мижозларимизни ҳурмат қилиш, уларга ўзлари истаганларидай хизмат кўрсатиш бурчимиз.

Пойтахтга оқшом чўкди. Кун бўйи қуёш ҳароратидан энтиккан шаҳар тин олгандай бўлди.

Дунёнинг қайсидир мамлакатларида одамлар қоронғу тушиши билан ўз уйларига кирибгина ҳаловат топадиган бир вақтда пойтахт кўчалари, хиёбонлар, боғу сайилгоҳлар юртдошларимиз билан янада гавжумлашади. Одамларнинг кайфияти, эртанги кунга ишончи бир-бирига кўчади гўё.

Юртимизнинг сўлим гўшаларида бўлсангиз осойишта юртда кўнгиллар оройиш топади, деган нақлнинг нечоғли ҳақиқат эканига иймон келтирасиз. Зеро, эмин-эркин, тинч-осуда юртда яшаётган халқнинг эртанги куни ҳам нурли бўлади.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
Темур ҚУРБОНБОЕВ (суратлар),
"Халқ сўзи" мухбирлари.

СУРАТЛАРДА "Шаршара" манзаралари акс эттирилган.

Илҳом лаҳзалари

Буғдойсўз

Буғдой — бу жаннатий неъмат дейдилар,
Шундан манглайингда кавсар жилоси.
Келганда азалий меҳнатдан келар
Жаннат фароғати, жаннат сафоси.

Тупроқдек хокисор, сахий, танти зот,
Ушбу кун валийлар алқаб турибди.
Орият, ҳамият, лафз ва эътиқод,
Сенинг тимсолингда яшаб юрибди.

Денгиз тубидан дур излаган ғаввос,
Зуҳрони кўзлаган шунқор фазогир
Сенинг қўлингдан ризқ терганлиги рост,
Илму амалида ҳимматинг зоҳир.

Муштдек жипс бўлсин деб қизу ўғлони,
Оналар хамирни муштлаб кўптирган.
Омонлик, қут тилаб Соҳибқиронинг
От устида туриб буғдой септирган.

Бир боғлам нур ўйнар ой ўроғида,
Юлдузлар қайроқи донга ўхшайди.
Қуёш олтин бошоқ саҳар чоғида,
Оқшомда мағзи тўқ нонга ўхшайди.

Қайдадир кимнингдир сўнгги либосин,
Йиртмоқни ҳунар деб билгувчи каслар.
Йўқлик ва очликнинг тавқини осиб,
Дунёга жар солиб кулгувчи каслар —

Нокас, нонкўрларга гапим йўқ менинг,
Куйласам сендайин қоракўзим бор.
Сен борсан, кўзим тўқ,
кўнглим тўқ менинг,
Буғдой ноним бордир, буғдой сўзим бор!

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири.

Тинч элнинг боғи гуллар

Ўзбек халқ мақоли.

Боғишлов



Ўзбекистон, менинг учун фақат ўзинг ягона,
Ватанимсан, мен бағрингда фарзандингман, сен она.
Қуёш порлар осмонингда мустақилдир замона,
Қайноқ меҳр-муҳаббатинг бизга эрур парвона.

Осмон ўпар тоғларингдан қорлар эриб сув келар,
Аму Сирдек дарёларинг тўлиб тошиб мавж урар.
Боғларингда мева мастон булбул сайраб завқ берар,
Эй она юрт, сенинг учун қалбим тошиб барқ урар.

Пахтазору буғдойзоринг ширмон нонинг десамми,
Маржон булоқ оқар сойинг кишнар тойинг десамми,
Зарафшону Мурунтовдек олтин конинг десамми,
Нақшин олма, узум, анор, жаннат боғинг десамми.

Жоним десам жондан азиз туғёнларим ўзингсан,
Қалбимдаги қувончларим қўшиқларим ўзингсан,
Туғилдим мен шу ўлкада, ифтихорим ўзингсан,
Киндик қоним тўкилгандир юрак қўрим ўзингсан.

Рауф ОЛЛОБЕРГАНОВ.

Театр

УЙҒОҚЛИККА ДАЪВАТ

Биз Ўзбекистон халқ шоири Шукруллони теран фикрларга бой юзлаб шеъру достонлари, «Жавоҳирлар сандиғи» номли эсселари, «Кафансиз кўмилганлар» ва «Тирик руҳлар» романлари, «Туҳмат» кинофильми ва ўнга яқин саҳна асари сценарийси орқали яхши биламиз. Унинг ўзбек адабиётида, айниқса, қатағон этилган зиёлилар ҳаётини ҳаққоний гавдалантириб берган ижодкор сифатида эҳтиром билан тилга оламиз.

Адиб «Ҳасрат боғи» фожиасида яна ўзи азобини тотган мустабид тузум ҳақида қалам тебратган. Бу сафар мустақиллик арафасидаги ўн йилликлар тарихи ёритилган. Биз бу фожиада шоирнинг бутун ҳаётида — зеҳнида ва борлиғида — аччиқ из қолдирган адолатсизлик манзаралари ва фикрлар мағзини кўрамиз. Спектаклда жамиятнинг турли қатламига оид кишилар — турли фожиаларни бошидан кечирган ва драматик ҳолларга тушиб қолаётган инсонлар ҳаракатда бўладилар. Улар ичида энг асосийси, эри Чернобиль фожиасида ҳалок бўлгани етмаганидай, ўғлининг ҳам жасади кўрғошин тобутда келганига чидолмай фарёд кўтараётган Она тимсолидир.

Бу саҳналарни Малика Иброҳимова маромига етказиб ижро этган. Иброҳимова ижросидаги Она — эрлари ва болаларини йўқотган оналарнинг умумлашма образидир. У ўзи яшаган даврда авж олган мустабидлик ва ҳақсизликка қарши курашишни, ҳақ сўзни айтиб, яширилган ҳақиқатларни фош этиб, оналик юрагини очиб, одамларни уйғотишни, яхшилик ва озодликни барқарор қилиш учун яшашни ҳаётининг мазмуни деб билади.

Теша Мўминов ижросидаги Холиқулов образи ҳам бу актёр фаолиятидаги энг комил ижролардан биридир. Ота-онасининг кимлигини билмай, Мехрибонлик уйида ўсиб, кўп қийинчиликлар билан юқори мансабга кўтарилган бу одамнинг тўсатдан ота-оналари ким бўлгани ва улар ўзи бирга ишлаётган одамлар томонидан йўқ қилинганини эшитиши ҳар қандай алп одамни ҳам чўктириши мумкин. Паҳлавон гавдали Холиқуловнинг бошини кўтаролмай, фарёд кўтариб йиғлаши ана шундай саҳналардандир. Унинг дарди томошабинга кўчади. Ёш артист Толиб Мўминов ҳам Ашрафий образининг драматик томонларини, курашчан шоирларнинг ҳолатини ишонарли кўрсата олган.

Спектаклда ўша даврнинг унсурлари — кўрган-эшитганини билмаганликка олиб юрувчи кўрқоқлар (Хожиакбар Комилов — Мурод), майхўрлик ортига яширинганлар (Шуҳрат Нуралиев — Мирзиёд), ҳар нарсадан ҳуркадиган, бошқаларни ҳам «деворнинг қулоғи бор» деб огоҳлантириб юрадиганлар (Фарҳод Абдуллаев — Мирсоат), ўзининг ишидан бошқаси билан иши йўқ, пақир киши панада тарзида яшовчи оддий инсонлар (Абдураим Абдуваҳобов — чойхоначи Қосим) образлари ўша даврдаги реал одамларни эсга солади. Бошқаларни-ку, билмадим, аммо мен шундай кишиларни атрофимда кўп кўрганман. Муҳтарам артистларимиз ўз қаҳрамонларининг моҳиятини яхши очиб бера олганлар. Пўлат Носиров, Қаҳрамон Абдураҳимов, Шавкат Толиповлар ижросидаги расмий идораларнинг роботсимон вакиллари тимсоллари ҳам тўғри талқин этилган ва томошабин хотирасига тугилади.

Бу мулоҳазаларимдан пьеса ва спектакль мутлақо камчиликлардан холи экан, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Масалан, асарнинг бир қатор жойларида китобийлик (Отелло ва Дездемонага, Офелия ва Ҳамлетга ўхшатишлар) унсурлари учрайди. Ҳолбуки, буларнинг ўрнига ўзбек халқ ижоди намуналарига суянилса, асар таъсири янада ортар эди. Шунингдек, асарда Азимнинг ўрни йўқ даражада.

Мен режиссёр Тоживой Исроиловнинг жуда кўп кашфларини кўрдим. Чунончи, пьесада пионерлар отрядининг байроқ кўтариб, барабан чалиб, «Бахтли болалигимиз учун доҳиймиз Сталинга раҳмат!» сингари шиорларни кўтариб ўтиши айтилмаган, режиссёр бу саҳнани жуда керакли ўринларда ишга солган. Махсус композитордан фойдаланиш имкони йўқлиги туфайли режиссёрнинг ўзи асарга шундай мусиқий парчалар танлаганки, улар кутилганидай, спектаклнинг таъсир кучини оширган.

Яқинда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида «Ҳасрат боғи» ҳақида турлича фикрлар эълон қилинди. Санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Тоир Исломовнинг мулоҳазаларига қўшиламан. Менимча, унинг спектаклда «поэтик руҳнинг етарли эмаслиги» ҳақидаги танқидий фикри асосли. Чиндан ҳам, бу борада спектаклнинг таъсирини янада ошириш имконияти бордай кўринади.

Нима бўлганда ҳам, ёшлар бу асарни томоша қилишса, эркин фикрлаш, эркин яшашни, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланган ҳозирги даврнинг қадрига етади, деб биламан.

Миразиз АЪЗАМ.

Раҳмонбек ИСЛОМОВ олган сурат.

Адаб дурдоналари

Юртдошимиз, имомлар имоми ва муҳаддислар пешвоси имом Бухорийнинг номи ислом дунёсида маълум ва машҳурдир. У кишининг отаси Шайх Исмоил ибн Иброҳим ҳам аҳли ҳадислардан эди. Мактабда ўқиб саводли бўлгач, имом Бухорий 10 ёшиданоқ араб тилини ўрганиш, ҳадис китобларини ўқиш ва ёдлашга қунт билан киришди. 16 ёшида онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига отланди. Сафар давомида қайси шаҳардан ўтмасин, ўша ердаги муҳаддислардан, озми-кўпми, ҳадис ўқирди. Ривоятларга кўра қўлга олган китобини бир марта ўқиса, ёд бўлиб қолавераркан. Ўзининг айтишича, 100 минг саҳиҳ (ишончли) ва 200 минг ғайри саҳиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билган. Жами 600 минг ҳадис тўплаган. Бу инсоният тарихида фавқулодда ҳодисадир. Бу маънавий жасорат, эътиқодга бахшида умрдир.

Таниқли исломшунос олим Шамсиддинхон Бобохонов 1990 йили имом Бухорийнинг ахлоқ ва одоб борасидаги энг нодир, энг саҳиҳ ҳадислари жамланган «Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») тўпламини илк маротаба арабчадан ўзбек тилига таржима қилиб, 200 минг нусхада чоп эттирган эди. Мухлисларнинг талаби ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, асар 2006 йили «Мовароуннаҳр» нашриётида тўлиқ ҳолда қайта босмадан чиқди. Унда 1360 та ҳадиси шариф берилган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом марҳамат қилганларки, юз ракат нафл намозини адо этгандан кўра, бир соат тафаккур қилмоқ афзалдир. «Ал-адаб ал-Муфрад» ана шундай тафаккур қилинадиган ва ибрат оладиган китоблардандир. Шуни назарда тутиб, бугундан эътиборан, газетамиз саҳифаларида мазкур муборак асардаги ҳадислардан намуналар бериб боришга азму қарор этдик.

Ота-онанинг дуоси ҳақида

Абу Ҳурайра айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) «Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси», деганлар.

Ота-онасини рози қилган кишининг умри узоқ бўлиши ҳақида

Саҳл ибн Муоз (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с. а. в.): «Ким ота-онасини рози қилса, унга тубо насиб бўлиб, Аллоҳ таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади», дедилар.

Банданинг умри азалдан тақдир қилинган. Бу ўринда умрнинг узоқ бўлиши деган гап фаровонликка, ризқнинг мўллигига, дунёвий ишларнинг баракали бўлишига ишорадир.

Тубо — жаннатдаги бир дарахт номи (т).

Онани рози қилиш ҳақида

Баҳз ибн Ҳаким (р. а.) отаси ва бобосидан ривоят қилди, бобоси айтди: «Эй, Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади?»—деб сўрадим. «Онангга», дедилар. Мен шу саволимни уч маротаба қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ «Онангга», деявердилар. Тўртинчи маротаба сўраганимда: «Отангга ва яқин бўлган қариндошларингга», дедилар.

Ота-онанинг дўстларига яхшилик қилиш ҳақида

Абдуллоҳ ибн Динор (р.а.) айтдилар: «Қайси бир сафарда бир аъробий Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) ёнларига келиб: «Сен фалончининг ўғли эмасмисан?»—деб сўради. Шу аъробийнинг отаси Умар ибн Хаттоб (р.а.) билан дўст бўлган эди. Абдуллоҳ (р.а.) аъробийга: «Ҳа, отанг дўсти Умарнинг ўғлиман», дедилар-да, ўзларининг тевалари кетида олиб юрган эшакни ва бошларидан саллани ечиб аъробийга бердилар. Шунда ёнидаги кишилардан биттаси: «Бу киши бир аъробий, унга икки дирҳам берсангиз ҳам кифоя қиларди, сиз эшакни ҳам, саллани ҳам бериб юбордингиз», деган эди, Абдуллоҳ (р.а.): Расулуллоҳ (с.а.в.): «Отанг дўст тутган кишиларнинг дўстлигини сақла, улар билан алоқани узма! Агар алоқани узсанг, Аллоҳ таоло сенинг нурингни ўчириб қўяди, деган эдилар», деб жавоб бердилар.

А. ИБРОҲИМОВ тайёрлади.

Кўргазма кузни кўзлайди

Жорий йилнинг 10-12 август кунлари пойтахтимиздаги "Le grande Plaza" меҳмонхонасида "Тўй тантаналари-2006" деб номланган иккинчи куз мавсуми кўргазмаси бўлиб ўтади.

Тадбир Савдо-саноат палатасининг "SSP-Expo-Contact" унитар корхонаси томонидан юртимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, истеъмолчиларни янги маҳсулот турлари ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги янгиликлар билан таништириш мақсадида ташкил этилмоқда. Мазкур кўргазма ўзининг ноанъанавийлиги билан ажралиб туради. Унда шоу дастурлар ҳамда ташкилотчиларнинг тақдимот маросимлари ўтказилиши кутилмоқда. Кўргазма доирасида шунингдек, соч турмаклари усталарининг "Энг жозибадор соч турмаги" ҳамда ошпазларнинг "Энг тансиқ таом" номинациялари бўйича танловлари бўлиб ўтади.

Кўргазмада келин либослари, кечки либослар тикувчи, фото ва видео, транспорт, ресторан хизматлари кўрсатувчи, таклифнома, турли хил ичимликлар ҳамда ширинликлар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қатнашади. Улар орасида пойтахтимиздаги энг нуфузли "Наврўз", "Орхидея", "Зебинисо", "Нуптиаль" сингари келин либослари салонлари ҳам бор.

Юлдуз РИЗАЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 12345